

МИЛЛИЙ ЭСТЕТИК ТАРБИЯ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Б.Э. Хусанов

Чирчиқ давлат пелагогика университети Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада эстетик тарбия, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, миллий тарбияда эстетиканинг роли, бугунги кунда олдимизда турган кўплаб масалаларнинг ечими сифатида таълим-тарбияни ривожлантириш масалалари фалсафий таҳлил қилинган. Шу билан бирга “Тарбия кластери”нинг ёшларга инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдиришдаги аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: кадрят, тарбия кластери, етук шахс, малакали мутахассис, бадий-эстетик идеаллар, эстетик дид, мустақиллик, улуғворлик, миллий-эстетик тафаккур.

КИРИШ

Таълим ва тарбиянинг узвийлигига эришиш ҳар доим инсон, давлат ва жамият маънавий тараққиётининг муҳим асоси бўлиб келган. Шу боис, тарбияни тизимли ва мақсадли йўналтирилиши шахсни ривожланиш имконини кенгайтиради. Қолаверса, тарбия маънавий кадрятлар билан бирга ҳозирги замон талаблари эҳтиёжларини ҳам назарда тутаяди. Жумладан, эстетик тарбия назарий мазмун билан амалий шаклнинг уйғунлигига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Тарбия маънавийни шакллантириш ва ривожлантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омиллар ҳисобланади. Бироқ, тарбиянинг бошқа шакллариغا нисбатан эстетик тарбия маънавийни шакллантириш жараёнига бир қадар яқинроқ бўлиб, у маънавий тарбиянинг бир қисми ҳисобланади. Қолаверса, тарбиянинг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий шакллари инсоннинг муайян ёши, умри, ҳаёт тажрибаси, онглилик даражаси билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Тарбиянинг мазкур шаклларида фарқли ўлароқ, эстетик тарбия инсоннинг туғилишидан то умрининг охиригача ҳамроҳ бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Эстетик тарбия ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ривожланадиган «микроорганизм» эмас ёки бирдан тўхтаб қоладиган “механизм” ҳам эмас. У секин-аста инсон томонидан орттирилган ҳаётий тажрибалар, кўникмалар, билимлар орқали шаклланиб боради. Эстетик тарбия ижтимоий тараққиётнинг муайян

жабҳаларида аниқ мақсадларга йўналтирилган фаолият сифатида иш олиб боради.

Бугунги кун жамият аъзоларидан мақсадлар ва туйғулар уйғунлигини, сўз ва иш бирлигини, фикр ва ғоянинг улуғворлигини ҳамда оламнинг гўзаллиги билан бирга унинг мураккабликларини енгиб ўтишни талаб қилмоқда. Бу жараёнларни барқарорлаштириш ва мақсадли йўналтиришда санъат асосий восита бўлиб хизмат қилади. Агар инсон ўзининг хис-туйғуларини мақсадли, ижобий томонга йўналтира олган бўлса, унинг келажакдаги ҳайрли ишлари мақсадга мувофиқлашади. Аксинча, эстетик дунёқараши қашшоқ, эстетик диди паст одам ҳаётий қийинчилик ва ташвишлар қаршисида ожизлик қилади, натижада ёт ғоялар таъсирга тушиб қолади. Ана шундай салбий ҳолатларнинг пайдо бўлмаслиги учун ҳам санъат ўзини тобора инсонга яқинлаштириб боради. Зеро, чинакам санъат инсонни бу ҳолатдан қутқара олади, уни маънавий таҳдидлардан ҳимоялайди, қалбини фориғлайди.

Маълумотларга кўра, 50 миллионли аудиторияни радио 38 йилда, телевидение 13 йилда, интернет эса бор-йўғи 4 йилда эгаллаб олар экан. Шуниси ҳайратланарлики, 1998 йилда интернетдан 143 миллион киши фойдаланган бўлса, 2001 йилда уларнинг сони 700 миллионга етган. Бугунги кунга келиб эса интернетдан фойдаланаётганлар 1,5 млрддан ошиб кетди. Бугунги кунга келиб, интернетга уяли алоқа воситалари орқали боғланиш йўлга қўйилганлигини инобатга олсак, мазкур рақам бир неча баробар ошиши мумкин.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Эстетик тарбияга таъсир этишнинг психологик жиҳатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Буни онг ости ҳодисасида рўй берадиган қўйидаги парадигмалар орқали асослаш мумкин:

1. Сезгилар. Айтиш мумикинки, мана шу 5 та сезги илғамаган нарсани онг ости илғаш қобилятига эга.

2. Кузатиш. Бу борада реклама ва унинг эстетик табиатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ҳам маҳсулот рекламалари одамлар гавжум бўладиган жойлар (бозорлар, кўчалар ва ҳоказо)га ўрнатиладики, бунда бевосита кузатиш муҳим эстетик омилга айланади.

3. Ташвиқот. Онгости ташвиқотга табиий ҳолда эшитилмайдиган овозлар орқали таъсир қилишни киритиш мумкин. Супермаркет, кафе-бар, бозор ҳамда кўнгилочар масканларда қўйиладиган мусиқалар кишиларнинг хис-туйғуларига таъсири орқали тингловчиларни маҳсулотга ёки бирор-бир воқеага жалб этилади.

4. Яширин кадр орқали таъсир қилиш. Мутахассисларнинг фикрича Инсоннинг онг ости хисларига яширин таъсир қилиш ҳар доим ҳам яхши йўлда

ишлатилавермасдан, аксар шум ниятли инсонларга қўл келиши мумкин. Қизиқарли фильм ёки кўрсатувни намойиш қилаётган пайтда ёвузликка чорловчи кадрнинг бир неча бор кўрсатилиши пировардида инсонда ўша ҳолатни амалга ошириш учун рағбатни пайдо қилиши бугунги кун тиббиёт психологиясида исботлаб берилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тўртта ҳолатга эътиборсизлик бугунги кунда ташвишли ва таҳдидли ҳодиса сифатида эътироф этилаётган “оммавий маданият”ни авж олишига олиб келади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланиши, у инсоннинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга эканини ҳаётини мисоллар орқали исботлаб берган эди.[1] Бу борада биргина телевидение ва радио бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажариши атрофлича таҳлил қилиб ўтилган.

Эстетик тафаккур асосида тарихан шаклланган оламни эстетик идрок этиш ва ўзлаштириш ўз даврида Европа мамлакатлари тараққиётига улкан таъсир кўрсатгани тарихдан маълум. Шу боис миллий тараққиётимизнинг эстетик моҳияти аждодларимизнинг турмуш тарзи ва ҳозирги илғор давлатларнинг ижтимоий соҳада эришган ютуқлари ва тажрибаларига асосланади.

Юқоридаги мулоҳазаларимиз асосида миллий эстетик тарбияни ривожлантиришнинг маънавий тамойилларини қуйидагилар билан белгилашимиз мумкин:

Биринчи тамойил – бу гўзаллик ва улуғворлик ғояларига асосланган эстетик идеални шакллантириш.

Ижобий фазилатлар, бадиий-эстетик идеаллар инсон ҳаётининг мазмунига кўрк бағишлайди. Тарбияда айниқса, эстетик тарбияда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади муҳим аҳамият касб этиши барчамизга маълум. Гоҳида мақсад мавҳум тушунчага айланиб шахснинг табиатига мутлақо зид бўлган ҳолатларни келтириб чиқаради.

Эстетик ғояларнинг олий мақсади - инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва кадр-қиммати, нафосати ва эстетик дидини юксалтиришга қаратилган бўлиб, уларнинг асосий мезони гўзаллик ва улуғворлик билан ўлчанади. Чунки, мустақиллик миллий тараққиёт йўлларини белгилаб олиш орқали халқимиз, миллатимиз орзу қилиб келган ижтимоий-эстетик идеаларни амалга оширишга имкон беради. Таъкидлаш лозимки, Шарқ халқларида маънавий-маданий омилларга, улардан ижтимоий тараққиётда

фойдаланишга интилиш кучли, ҳатто айтиш мумкинки, у Шарқ халқларининг тарихий-маданий парадигмасига айланган. Шунинг учун ижтимоий-маънавий жараёнлар Республикамизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг таркибий қисми, юксак маънавиятли янги авлодни шакллантириш эса ушбу ислохотларнинг натижаси, мезони сифатида қаралмоқда. Бу аслида буюк аждодларимиз орзу қилган, эзгулик қарор топган, инсонпарвар жамият ва ахлоқан пок, иймони бутун, элим, юртим деб яшайдиган, интеллектуал салоҳиятини миллий тараққиётга сарфлайдиган, юксак маданиятли ва маънавиятли янги авлодни тарбиялаш демакдир.

Иккинчи тамойил – бу эстетик қадриятларни қайта тиклаш. Маданий меросга муносабат, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, халқимиз томонидан яратилган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини ривожлантириш ва уларга янгича жило бериш орқали ўз аксини топади. Бу мустақилликнинг эстетик қадриятга айланиши ва унинг халқимиз, миллатимизнинг ижтимоий-маънавий тараққиёт ҳақидаги орзу истакларини реал воқеликка айлантиришида кенг имкониятларнинг яратилиши билан белгиланади. Айниқса, мустақилликни эстетик қадриятга айланиши миллий тараққиёт жараёнида маънавий мезон вазифасини бажарди.

Мустақиллик миллий тараққиётни амалга оширувчи восита ҳисобланади. Зеро, мустақил бўлмаган соҳа ёки юртда миллий тараққиёт ҳам бўлмайди. Миллий эстетик ва ахлоқий қадриятларнинг қарор топиши ва уларнинг уйғун ривожланиши қонуниятларига доир фикрларида файласуф олима Мукаррам Нурматова биринчилардан бўлиб мустақиллик тушунчасини олий ахлоқий ва эстетик қадрият сифатида кўрсатиб ўтади. Олиманинг фикрига кўра “Аслида мустақиллик ўзининг маъно-мазмунига кўра халқимизнинг кундалик ҳаётидан жой олган олий ахлоқий ва эстетик қадриятдир. Бунинг мазмуни халқимизга эркинлик берганлиги, ҳаётини адолатли қарор топтирганлиги, яхшилик эшикларини очиб улуғворлик сари юз тутганлиги, барчани қаҳрамонона меҳнат ва ижодга чорлагани билан ифодланади.”[2]

Учинчи тамойил – бу қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқимиз бадиий-эстетик маданияти ва тарбиясининг ўзига хослигини ифода этувчи воситаларни ривожлантириш орқали мамлакатимиз ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий-эстетик тафаккурини юксалтиришга эътибор қаратилади.

Тўртинчи тамойил – моддий бойликларни яратишда эстетик мезонлар устуворлиги. Бу йўналиш бевосита иқтисодий маданият – эстетик маданият – маънавий маданиятнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигида амалга ошади. Бу борада шуни таъкидлаш лозими, моддий ва маънавий омиллар ўртасида маълум

тафовутлар мавжуд. Моддий омиллар иқтисодий омилларга нисбатан кенгрок тушунча. Маънавий омиллар - онг, фикр, ғоя, мақсад-муддао, интилиш, манфаат, эҳтиёжлар, шунингдек турли-туман ҳиссиёт, ҳаяжон, қувонч, изтироблар ва уларни ҳаракатга келтирувчи руҳий қувватлар, қобилиятлар, истеъдодлар ҳам ижтимоий ва шахсий ҳаётда муҳим роль ўйнайди. Умуман тараққиёт мана шу моддий ва маънавий омилларнинг бири-бирига бўлган тўхтовсиз таъсирдан иборатдир. Моддий ва маънавий омиллар моҳиятан айнан бир-бирига тенг бўлмаса ҳам, уларнинг изчил бирлиги доимий ва мутлақ зарурдир. Файласуф олим Тилаб Маҳмудовнинг фикрига кўра, одамзот пайдо бўлгандан бери икки хил эҳтиёж билан яшаб келади, уларнинг бири - моддий талабот, иккинчиси маънавий чанқоқликдир, “ҳар иккаласи одамларнинг турмуш тарзини белгилайди”[3].

Бир сўз билан айтганда, миллий тараққиётнинг моддий бойликларни яратишда эстетик мезонлар устуворлиги тамойили тириклик ва ҳаёт талаби бўлган моддий ва маънавий заруратдан ташкил топган экан, уларнинг биринчисини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди. Зеро, иккаласи ҳам инсон умрини безайди, аммо уларга муносабатда оқилона мезон бўлиши керак[4].

Маънавиятга етарли эътибор берилмаса, иқтисод иқтисод учун деган тамойил амалиётга кириб, фақат моддий фойда кўриш устуворлик қила бошлайди. Пировардида инсон камолотидан, жамият ривожланишининг аниқ вазифаларидан, мақсадларидан ажралган иқтисодиёт маънавиятни инкор қилади. Аксинча, конкрет инсоннинг моддий манфаатлари, турмуш тарзи омилларини эътибордан соқит қиладиган маънавият эса иқтисодий ривожланишнинг манфаат-мақсадларидан ажралиб қолади, бошқа соҳалар ҳисобига фақат бир соҳада ўсиш, ривожланиш амалга оширилса, ижтимоий тараққиётдаги барқарорликка путур етади. Зотан, Э.Фромм айтганидек, “Социализм фақат иқтисодий ривожланиш тўғрисидагина ўйлагани учун сталинизмни майдонга келтирди”[5].

“Гўзаллик ғоядан иборат ва ғоя тарзида англандоғи лозим”-дея уқтирган олмон мумтоз файласуфи Георг Фридрих Гегел табиатдаги гўзалликка нисбатан санъатдаги гўзалликнинг устувор эканлигини таъкидлайди У мутлақ ғоя ўзликни англашнинг юксак шакли бўлган санъатдагина гўзаллик сифатида намоён бўлади, деган эди. Чунки, санъат нафақат воқеликни бадиий қиёфалар орқали акс эттиради, балки воқеликдан-да юксак бўлган ҳодиса ҳисобланади. Барча ҳодисаларни моддий асосдан тозалашга қодир бўлганлиги учун ҳам санъат гўзалликни ярата олади. Бу борада олмон классик фалсафаси вакили Хеорг Хегел табиатдаги гўзалликни санъатдаги гўзалликка нисбатан қуйи босқичда туришини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, санъатнинг яратувчиси бўлган

инсонда илоҳий асос - руҳ бор, у яратган санъат асарига ўша руҳ ўтади. Табиатдаги гўзалликка нибатан санъатдаги гўзалликнинг устуворлиги ҳам ана шу жиҳат билан белгиланади. Бу билан файласуф гўзаллик моҳиятан илоҳийлик касб этувчи ҳодиса эканлигини, санъат моҳиятан маънавий ҳодиса эканлигини эътироф этган эди[6].

ХУЛОСА

Жамият тараққий этиб боргани сари эстетик тарбияга эҳтиёж ортиб бораверади. Бироқ, инсоннинг яшаш шароити билан унинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини, орзу-умидларини, истакларини доимо тўла-тўқис қондириб боришнинг имкони йўқ. Шунга қарамай, инсон уларни яратиш учун интилиб яшайди.

Инсон нарсаларнинг моддий ва маънавий оламини яратиши натижасида ижтимоий тараққиёт ҳам шаклланиб боради. Бироқ, бу жараён шахснинг туйғуси, диди ва идеалини эстетик жиҳатдан камол топтиришни, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини гўзаллик талабларига мувофиқлаштиришни, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг эстетик моҳиятини ёш авлод тафаккурига сингдиришни, миллий урф-одат ва анъаналаримизга эстетик маданиятимизнинг кўрки сифатида жиддий эътибор қаратиш каби муҳим ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Тарбия кластери таълим муассасаларида илмий, ижодий ва соғлом маънавий муҳит самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагогик таълим муассасаларида таълим йўналишларининг ҳар бири бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Қаранг: Каримов Ислом. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008, -Б. 164-171.
2. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. – Тошкент: “Университет” нашриёти, 2009. -99 б.
3. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Тошкент: Шарқ, 2000. - 30 б.
4. Қаранг: Саифназаров И. Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Янги аср авлод, 2002. - 7 б.
5. Фромм Э. Инсоннинг ҳозирги ҳолати // Жаҳон адабиёти. –Тошкент, 2000. - № 3. – 109 б.
6. Гегель Г. Эстетика. В 4 х-т. -Москва: Искусство. 1971, Т.3. стр. 312.